



Ободлик яратаяётган одамлар

■ ФЕСТИВАЛЬ

Наманган шаҳрида «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили» давлат дастури ижроси доирасида 64-Халқаро «Гуллар фестивали» бошланди. Ўтган йили фестивалга тайёргарлик жараёнида вилоят марказида жами 45 миллион туп гул кўчати экилган бўлса, жорий йилда эса ушбу кўрсаткич 100 миллион тупга етказилди. Фестивалда 5 мингдан ортиқ гулчи, хунарманд ва тадбиркорлар ўз маҳсулоти билан иштирок этмоқда. Ўзига хос бетакрор бўлган ва кишилар қалбини завққа тўлдирувчи мазкур фестивал қизгин давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз



«Ishonch»ning Telegram каналида кўринг!



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

1211

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



«МЕНИНГ ОВОЗИМ – ЭНГ ЖОНКУЯР ЕТАКЧИГА»

Касаба уюшмалари тизимидаги бу галги ҳисобот-сайловлар илгаригиларидан тубдан фарқ қилади. Айниқса, навбат ўрта бўғиндаги тузилмалар – тармоқ касаба уюшмалари вилоят, шаҳар ва туман ташкилотлари етакчиларини сайлашга келганда бу ҳолат янада яққолроқ кўзга ташлана бошлади. Делегатлар беш йиллик фаолият ҳақида жиддий ҳисобот сўрашмоқда. Конференциялар очик, ошқора, таҳлилий ва танқидий руҳда ўтмоқда.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши тасарруфидоги барча туман, шаҳар ташкилотларида ҳисобот-сайловлар ниҳоят-сига етди. Уларда муносибларга овоз берилди.

Айни пайтда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари туман, шаҳар ташкилотлари ҳисобот-сайловлари давом этмоқда. Жумладан, Гулистон шаҳар ташкилоти конференцияси юқори савияда ўтди. Амалдаги етакчи Фарҳод Таштанов беш йиллик ишлар ҳақида сўз юритар экан, жамоа шартномасининг айрим бандларини бажаришда сусткашликка йўл қўйилганини очиқчасига тан олди. Айниқса, меҳнат муҳофазаси бўйича штат ажратилмаганини, ходимларни шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлай олмаслиқни, меҳнат таътилига чиққанда моддий ёрдам каби тўловлар амалга оширилмаётганини алоҳида таъкидлади ва уларни бартараф этиш юзасидан белгиланган вазифаларга тўхталди.

Делегатлар эса касаба уюшмаси томонидан моддий ёрдамга муҳтожларга берилмаётган кўмакни, байрамлардаги совғалар, ходимлар сало-



матлигига ғамхўрликларни эътироф этишди. Дарҳақиқат, биргина жорий йилнинг биринчи чорагида касаба уюшмаси маблағидан 4 нафар ходимга санаторийларга имтиёзли, 4 нафарига ижтимоий сугурта маблағидан, шулардан 2 нафарига кам таъминланган ва «Аёллар дафтари»да рўйхатда бўлгани учун даволанишга бепул йўлланмалар тақдим этилди.

Музокаралардан сўнг ташкилот фаолияти қониқарли деб баҳоланди. Яширин овоз бериш йўли билан бўлиб ўтган сайловда Фарҳод Таштанов қайта сайланди.

Қаршибой Эшназаров касаба уюшмалари тизимида узоқ йиллардан буён ишлаб келади. Тажрибали ва ўз ишига пухта. Шундай бўлса-да, Агроекономика ва ҳаёт соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда қўлидан келганича қўшниқликнинг 2020 йил апрелдан 2025 йил апрелгача бўлган даврдаги фаолияти, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги келгуси вазифалар тўғрисида ҳисоб берадиган, барибир, ҳаяжонланди. Амалга оширган ишлари кўп бўлса-да, беш йил мобайнида эришилган ютуқларга қисқина тўхталди. Тасарруфдаги 27 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида 7320 нафар ходим меҳнат қилаётгани, ҳозиргача 27 та ташкилотнинг барчасида ҳисобот-сайловлар юқори савияда ва танқидий руҳда ташкил этилгани, 27 нафар бошланғич ташкилот раисларидан 5 нафари биринчи бор бу вазифага киришганлигини қайд этди.

– Эришган ютуқларимизга кўп тўхталмайман, – деди у. – Ижти-

мой мулоқот ва ижтимоий шериклик тамойилларини ривожлантириш соҳасида оғриқли жойларимиз бор. Кўпгина ташкилотларда қабул қилинган жамоа шартномалари бир хил шакл ва мазмунда тузилган. Жамоа шартномаси ташкилотнинг ички имкониятлари, томонларнинг ходим олдидаги вазифалари, шунингдек, ходимларнинг вазифа ва бурчлари, уларнинг мутахассислиги, эгалланган лавозими хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кенгайтирилмаган. Қатор ташкилотларда жамоа шартномаси йил якуни бўйича муҳокама қилинмайди, уч-тўртта банд бажарилмай қолади. Баъзи ташкилотлар раҳбарлари жамоа шартномаларини тузишга ҳанузгача жиддий ёндашмаяптилар. Уни тавсия этилган намуналардан кўчириш, ажратиладиган маблағларни

қўлидан келганича қўшниқликнинг 2020 йил апрелдан 2025 йил апрелгача бўлган даврдаги фаолияти, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги келгуси вазифалар тўғрисида ҳисоб берадиган, барибир, ҳаяжонланди. Амалга оширган ишлари кўп бўлса-да, беш йил мобайнида эришилган ютуқларга қисқина тўхталди. Тасарруфдаги 27 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилотида 7320 нафар ходим меҳнат қилаётгани, ҳозиргача 27 та ташкилотнинг барчасида ҳисобот-сайловлар юқори савияда ва танқидий руҳда ташкил этилгани, 27 нафар бошланғич ташкилот раисларидан 5 нафари биринчи бор бу вазифага киришганлигини қайд этди.

■ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

аниқ кўрсатмаслик, бажарилишига юзаки қараш каби нуқсонлар мавжуд. Музокараларда сўзга чиққанлар фаолиятга қониқарли, деб баҳо беришди. Яширин овоз бериш йўли билан бўлиб ўтган сайловда уч номзод орасидан энг кўп овоз тўплаган Қаршибой Эшназаров яна беш йил фаолиятини давом эттирадиган бўлди.

– Энг жонкуяр, ходимлар манфаатларини ўйлайдиган, суянч бўладиган номзодга овоз бераман, – дейди Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши конференциясида Сирдарё туманидаги «Мега люкс» корхонаси бошланғич касаба уюшмасидан иштирок этаётган делегат Матлуба Ҳасанова. – Муқобиллик асосида сайлаш бизга ана шу имкониятни берди.

Кенгаш раиси Жаҳонгир Файзиев ҳисоботида кўлами кенг ишлар тилга олинди. Тасарруфдаги 168 та бошланғич ташкилот, уларда жамланган 21099 нафар касаба уюшмаси аъзосига кўрсатилмаган ғамхўрликлар... Беш йилда жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилибди. Шу йиллар давомида меҳнатқашлар томонидан қилинган мурожаатларнинг бирортаси ҳам қаноатлантирилмай қолмаган. Касаба уюшмаси аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларнинг дам олиши ва саломатлигини мустақамлашни таъминлаш, спорт, маънавий-маърифий ҳамда меҳнат муҳофазаси борасида ҳам тилга олса арзиғулик ютуқлар алоҳида қайд этилди. Сўзга чиққанлар ҳам бу фикрларни маъқуллаб, ўз тақдир-мулоҳазаларини билдирдилар ва кенгаш фаолиятига қониқарли баҳо бердилар.

Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда амалдаги етакчи Жаҳонгир Файзиев энг кўп овоз олгани маълум бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов конференцияларининг аксариятида аввалги етакчилар қайта сайланмоқдалар. Демак, улар ўз зиммаларидаги вазифалар масъулиятини ҳис қилган ҳолда ишлашяпти, ишчи-ходимлар ишончини оқлашяпти. Делегатлар эса ўйлаб, мулоҳаза қилиб, етти ўлчаб бир кесилшяпти, яъни энг муносибига, энг виждонлисига, ҳимоячи ва ғамхўр бўла оладиганига овоз бермоқдалар.

Баҳор ХОЛБЕКОВА
«ISHONCH»

■ ЭЪТИБОР



ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши мажлислар залида касаба уюшма фахрийлари билан учрашув бўлиб ўтди

Ўзбекистонда касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги муносабати билан «Фахрийлар – фахримиз, улар ўз даврининг қаҳрамонлари» мавзусида ташкил этилган давра суҳбатидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фахрийлар кенгаши, вилоят Кенгаши фаоллари, вилоят «Нуронийлар» жамғармаси вакиллари сўзга чиқиб, йилгиланларни 120 йиллик юбилей муносабати билан қўтлашди, юртимизда кечаётган янгиликларни жараёнларини халқаро ҳам-жамият вакиллари ва экспертлар ҳам эътироф этаёт-

ганини таъкидлашди.

Қайд этиш зарурки, янги Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар, бунёдкорлик ва туб ижобий ўзгаришлар жараёнида энг йирик жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, ижтимоий шериклик ва мулоқот таъминини асосида меҳнат ахлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан бирга, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, бандликни таъминлаш, муносиб меҳнат шaroитлари яратиш бўйича ҳам тизимли ишлар

амалга оширилмоқда.

Тантанали тадбирда касаба уюшмалари тарихида ўзига хос ўрин тутган ва соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ фидойи фахрийларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Навоий вилояти Кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Тадбир доирасида касаба уюшмалари фахрийлари ўртасида спортнинг шахмат ва шашка турлари бўйича мусобақалар ҳам ташкил этилди.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

■ 1211 ЭШИТАДИ

«УМИДАНИ ТАШЛАБ ҚЎЙМАЙМИЗ»

Янгийўллик Умида Султонова II гуруҳ ногирони. Вояга етмаган икки фарзандини бир ўзи қийналиб катта қияпти. Маҳаллага 18 ёшгача бола пули олиш илинжида ёрдам сўраб чиқди. Бироқ унинг турмуш ўртоғи билан ҳамон қонуний никоҳи борлиги сабабли моддий ёрдам рад этилди. Шундан сўнг, чорасиз қолган аёл Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари билан ишлайдиган 1211 рақамли «Ишонч телефони»га мурожаат қилди.

– Касаллигим сабабли ногирон бўлиб қолганман ва ҳозир меҳнатга лаёқатсизман. Қанийдий, бошқалардек ишлолсам, – дейди 47 ёшли Умида Султонова. – Турмуш ўртоғим асли андижонлик. У шу йилнинг февраль ойида бизни ташлаб юртига кетиб қолди. Ушандан буён на болаларни кўргани келади ва на кўнги-роқларга жавоб беради. Нафақа ҳисобида кун кўрамиз. Лекин унинг ҳам кўп қисми дори-дармоним учун сарфланади. Охири «Ишонч телефони»га мурожаат қилдим. Касаба уюшмаларининг масъулларига катта раҳмат, қисқа вақтда 4 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам ва озиқ-овқат келтириб беришди.

Бу аёлнинг мурожаатида қайд этилган болаларнинг нафақа пули юзасидан Янгийўл шаҳри, Файзобод маҳалла фуқаролар йиғини раиси билан боғландик.

– Умида «Аёллар дафтари» рўйхатида киритилган, – дейди раис. – Яқин кунларда шу тизим доирасида моддий ёрдам ҳам ажратилади. Катта фарзанди билан суҳбатлашдик, ўзи истаган хунар бўйича ўқий учун махсус курсга борадиган бўлди. Вақти келиб, иш ҳам тақлиф қиламиз. Яқинда уйини таъмирлашни ҳам бошлаб юборамиз. Хуллас, биз ёрдамга муҳтож маҳалладошларимизни ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмаймиз.

Раиснинг қўшимча қилишича, Файзобод маҳалласи Жаҳон тараққиёт банкининг дастурига тушган. Унга кўра, ҳозир реконструкция ишлари бошланган ва 50 дан ортиқ хонадон эгалари янги уйларга кўчирилган. Бу ҳудуддан ўтувчи «Қурқулдак» ва «Жўнарик» каналлари атрофида юздан ортиқ хонадон жойлашган. Умиднинг уйи ҳам ўша ерда. У ерлар зах бўлган, бу аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши, қолаверса, йўлни кенгайтириш ишлари олиб борилиши муносабати билан, келгусида бу оила ҳам янги уйга кўчирилиши режалаштирилган.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

■ «АЁЛЛАР ДАФТАРИ»НИ ВАРАҚЛАГАНДА...



ТИКУВЧИ АЁЛЛАР ТАДБИРКОР БЎЛИШДИ

Фарғона вилоятида «Аёллар дафтари»нинг 6-босқичида уйма-уй олиб борилган хатловлар асосида 111 минг 778 нафар хотин-қиз рўйхатга киритилди. Бунда ҳеч ким четда қолиб кетмаслигига алоҳида эътибор берилди.

Шу кунгача 9 минг 352 нафар аёлга амалий ёрдам кўрсатилди. 8 минг 473 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Тадбиркорлик истагини билдирганларнинг салкам минг нафарига кредит ажратилиб, ўз ишини бошлашига қўмаклашилди.

Данғара туманининг «Навбахор» МФЙда яшовчи Аломатхон Эркинова ҳам «Аёллар дафтари»га киритилганди. Гарчи унинг қўлида хунари бўлса-да, фаолиятини кенгайтиришга имконияти етмаётган эди. Шу боис унга тадбиркорлигини бошлаш учун банкдан 30 млн. сўм кредит ажратилди. Бу маблағ ҳисобида у 5 та тикув машинаси харид қилиб, тикувчилик қўлидан келадиган кўни-қўшнилари атрофида жамлади. Буюртмалар асосида болалар ва аёллар кийим-кечақлари тикишни бошлаб юборди. Айни пайтда у билан бирга 7 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда.

Бағдод тумани, «Чўли Юнус» маҳалласида яшовчи Мўътабар Исақова ҳам «Аёллар дафтари» рўйхатига олинди, кўрсатилган ёрдам сабабли ҳаёти яхши томонга

ўзгарди. Банкдан ажратилган 27 млн. сўм кредит ишини бошлаши учун асқотди. Ушбу маблағ тикув машиналари олиб келди. Ёнига шогирдларини чақириб, уларга хунар ўргатди. Ҳозир у билан 5 нафар хотин-қиз елкама-елка ишлаб, асло кам бўлаётгани йўқ.

Олтиариқ туманининг «Ғайрат» маҳалласида яшовчи Дилрабохон Баратова ҳам бугун иш берувчи тадбиркорга айланди. Унинг тикув цехида 15 нафар аёл меҳнат қилмоқда. Хонадонма-хонадон юриб, ўрганшлар чоғида Дилрабохон Баратова «Аёллар дафтари»га киритилганди. Қўлидан бинойидек тикиш-бичиш келадиган аёл банк томонидан ажратилган маблағ ҳисобида тадбиркорлигини йўлга қўйди.

– Айни пайтда мавсумий кийим-бошлар тикиб, ички бозорларга етказиб бераймиз, – дейди Д. Баратова. – Ҳозир қўшни Қозғистондан буюртмалар олиб, ташқи бозорларга чиқяпмиз.

Жамшид ЭРҒАШЕВ
«ISHONCH»

■ МУСОБАҚА

СПОРТ БИЛАН ҲАМНАФАС ЖАМОА

Пойтахтимиздаги 2-автобус саройи филиали Президентимизнинг «Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳайдовчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларни спортга кенг жалб этиш мақсадаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Яқинда ўтказилган Касаба уюшмаси кубоги спорт мусобақалари ҳам фикримиз

исботидир. Яшнобод туманидаги 2-сонли ёшлар спорт мактабининг мини-футбол майдонида автобус саройининг футбол жамоалари қизгин беллашишди.

Уйинлар баҳсли, шиддатли ўтди. Жисмон чиниққан ёшлар бор иқтидорларини намойиш этишди. Мусобақалар улар ўртасидаги дўстлик, ишчанлик кайфиятларини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилгани аниқ.

Ғолибларга эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

■ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА

МИЛЛАТ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ ТАЪЛИМ СИФАТИГА БОҒЛИҚ



Астанқулова, «Кун қахрамони» деб эътироф этилган Шаҳноза Собирова, она тили ўқитувчиси Муяссар Боймуродова, биология фани ўқитувчиси Сабоҳат Рўзметова ва бошқаларнинг хизматлари катта. Устозларнинг 7 нафари миллий ва халқаро сертификатларга эга. Ўқитувчилар олимпиадасида республика босқичида Райҳон Қодирова фахрли натижа кўрсатди. Бундан ташқари, мактаб жамоаси «Заковат», «Умид ниҳоллари», «Китобхонлик» танловларида ҳам туман ва вилоятда муносиб қатнашмоқда. Урганч тумани «Баркамол авлод» болалар мактаби билан ҳамкорликда STEAM таълими бўйича Лайло Рўзметова ва мусиқа фани ўқитувчиси Интизор Давлатова бошчилигида турли тўғараклар ташкил қилинган. «Беш ташаббус» доирасида маънавий-маъ-

рифий ишлар бўйича директор ўринбосари Замира Янгибоева бошчилигида турли тўғараклар фаолият кўрсатиб, қатор тадбирлар ушатирилмоқда. Руҳшнос Муҳаббат Исмоилова ўқитувчи ва ўқувчилар орасида психологик муҳитни яхшилаш, ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш бўйича самарали ишлар олиб бормоқда. Бундай мисолларни истаганча давом эттириш мумкин.

Бу каби натижаларда жамоа шартномаси асосида яратилган шароитларнинг аҳамияти катта. Касаба уюшмаси қўмитаси раиси Лайло Рўзметова ушбу даргоҳда 25 йилдан буён фаолият кўрсатиб келмоқда. 2000 йилда Хива педагогика билим юртини тамомлаб, мактабга бошланғич синф ўқитувчиси сифатида ишга кирган ёш муаллима илк кунлардан оқибатда

хос услуби, оқилона ёндашуви ва меҳнатсеварлиги билан жамоа ва ўқувчилар қалбидан жой олди.

Изданишдан чарчамайдиган муаллима Урганч давлат университетининг махсус сиртки бўлимини 2011 йилда тамомлади. У раҳбарлик қилаётган синф ўқувчилари «Билимлар беллашуви», «Кимнинг хати чиройли?» каби кўрик-танловларда доим юқори кўрсаткичларга эришиб келмоқда. Ҳар бир дарсга жиддий ва ижодкорона ёндашадиган устознинг таълим услубида интерфаол методлар, АКТ технологиялари, кўргазмалар воситалар муҳим ўрин тутди. Унинг дарс ишланмалари, видеодарс ва тақдиротлари республика даражасида эътироф этилган. Она тили ва адабиёти фанидан миллий сертификатга эга. Бошланғич таълим бўйича вилоят ментор ўқитувчиси.

Бу каби ютуқлар эвазига Лайло Рўзметова 2021 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан уюштирилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритди. «Халқ таълими аълочилиси» кўкрак нишонига сазовор бўлди.

У мактабдаги барча ижтимоий масалаларга жиддий эътибор қаратади. Ўқитувчиларнинг таълим даражасини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш, саломатликларини мустаҳкамлаш борасида иш берувчи билан ҳамкорликда тизимли иш олиб бормоқда.

Бу йил бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида касаба уюшмаси қўмитаси раислигига қайта сайланиб, ҳамкасблари манфаатларини янада шижоат билан ҳимоя қилмоқда. Лайло каби тиришқоқ касабакўларимиз сафи кенглиги тармоқ касаба уюшмаси фаолияти такомиллашишида муҳим аҳамиятга эга.

Меҳрибон МАДАМИНОВА,
Таълим ва фан ходимлари
касаба уюшмаси Урганч тумани
кенгаши раиси

■ ТАДБИР

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Бугунги кунда бутун дунёда экологик муаммолар авж олмоқда. Бу инсон ҳаёти ва унинг саломатлигига жиддий хавф туғдирмоқда. Шу боис мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз бошчилигида экологик муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг салбий оқибатларини юмшатиш йўлида олиб борилаётган ишлар шулар жумласидан. Қолаверса, 2025 йил «Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт» йили деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас. Зеро, табиатни асраш келажакни асраш демакдир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган экотуризм акцияси ана шу савий-ҳаракатларнинг мантйқий давоми бўлди.

Атроф-муҳитни асраш, экологик маданиятни шакллантириш ва ушбу қадриятларни кенг тарғиб қилиш мақсадида уюштирилган тадбирда 50 нафар нуруний ва ёшлардан иборат гуруҳ «Чилпиқ» калъаси ҳамда «Бадай-тўқай» кўриқхонасида бўлиб, ҳудудларни чиқиндидан тозалаб, саранжом-саришта қилишди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»



■ СЎРАНГ, ЖАВОБ
БЕРАМИЗ

**ХОДИМ
ШАРТНОМАНИ
БЕКОР ҚИЛСА,
«НЕУСТОЙКА»
ТЎЛАЙДИМИ?**

САВОЛ: Бир корхонада муддатли шартнома асосида ишлайман. Шу кунларда ўз хоҳишим билан бўшмоқчи эдим. Лекин иш берувчи «Агар шундай қилсанг, «неустойка» ундириб оламан», деб кўрқитяпти. Раҳбар бунга ҳақлими?

Муниса ЙЎЛДОШЕВА
Тошкент шаҳри

ЖАВОБ: Иш берувчи ходимдан ёки аксинча, ходим иш берувчидан «неустойка» ундириш масаласи меҳнат шартномасида кўзда тутилган шартлар билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, Меҳнат кодексининг 159-моддасига мувофиқ, муддатли меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда тарафлар «неустойка» тўлаш масаласини кўриб чиқишга ҳақли. Агар аяка тартибдаги меҳнатга оид муносабатлар ходимнинг бирон-бир хатоси ёки унга боғлиқ бўлмаган асослар бўйича, яъни иш берувчининг ташаббуси билан тугатилса, корхона ходимга «неустойка» тўлаши лозим. Бунинг акси бўлса, ходим иш берувчига «неустойка» тўлаши керак.

Меҳнат шартномасида «неустойка»нинг миқдори белгиланмаган бўлса, тарафлар уни тўлашдан озод этилади.

Муддатли меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда ходим томонидан тўланадиган «неустойка» миқдори иш берувчи тўлайдиган «неустойка»дан ошиб кетиши мумкин эмас.

Меҳнат шартномасини ходим ўз ташаббуси билан бекор қилишни сўраса ва бунга таълим ташкилотига қабул қилинган, пенсияга чиққани, лавозимга сайлангани каби вазиятларни асос қилиб келтирса, иш берувчи унинг аризасини ўз вақтида қаноатлантириши ва уни «неустойка» тўлашдан озод этиши даркор.

Тарафлардан бири «неустойка» тўлашни рад этган тақдирда, уни ундириш суд тартибидан амалга оширилади.

Хуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

БОЛАНИНГ ТИЛИ 1,5-2 ЁШИДА ЧИҚАДИ. ЯЪНИ ШУ ДАВРДАН БОШЛАБ, БАЪЗИ СЎЗЛАРНИ ТАЛАФ-ФУЗ ҚИЛА БОШЛАЙДИ. ХОТИРАСИ АСТА-СЕКИН ШАКЛЛАНИБ БОРАДИ. БУНДА ТЕЛЕФОН, ПЛАН-ШЕТЛАРНИНГ ҲАМ ҲИССАСИ КАТТА БЎЛЯПТИ. ЧУНКИ БУГУН УШБУ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ОНАЛАРНИНГ ДАСТЁРИ, КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ ОВУНЧОГИГА АЙЛАНГАН. АММО ЗАВЛОДНИ УНЧА-МУНЧА НАРСА ҲАЙРАТГА СОЛОЛМАЯПТИ ҲИСОБ. ХЎШ, ҲОЗИРГИ ЗАМОН БОЛАСИ НИМАЛАРНИ ТОМОША ҚИЛЯПТИ? УЛАРНИ КЎПРОҚ ҚАНДАЙ КОНТЕНТЛАР ҚИЗИҚТИРЯПТИ?

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН МИЛЛИЙ КОНТЕНТ

ёхуд фарзандларимиз нималарни томоша қилмоқда?

Мана шу саволлар атрофида ижтимоий тармоқлардаги болалар учун мўлжалланган саҳифаларни кўздан кечирдим. Олдимиздан эса фақат «Синий трактор», «Фиксики», «Мимишки», «Трикота», «Jony-jony», яна тилим айланмайдиган ажнабий номдаги мультфильмлар чиқарверди. Умид билан улар орасидан ўзимизнинг миллий мультфильмларни изладим. Аммо...

Умуман, ўзбек тилида ишланган, мақташга арзигулик болаларбоп контентларимиз борми? YouTubeда «O'zbek multfilm» номли 361 обуначига эга саҳифа бўлиб, унда ўзбек халқ эртақлари асосида

яратилган 245 та анимацион видео жойланган экан. Лекин улар асосан 5-6 ва ундан юқори ёшдаги болаларга мўлжалланган. Назаримда, улар кичкинтойларни у қадар қизиқтира олмайди. Тўғри, тарбия жиҳатдан бу маъқул келиши мумкин, бироқ ҳеч бир ота-она ҳали ақлини таниб улгурмаган гўдакка бунақа мультфильм қўйиб бермаса керак...

Бундан ташқари, YouTube саҳифаларида ранг, санок ва ҳарфларни ўргатувчи ўзбек тилидаги анимациялар ҳам бор экан. Курувчилар сони ёмон эмас – миллиондан ошган. Лекин бошқа давлатларники билан солиштир-

ганда сифати анча паст экани яққол сезилиб қолади. Тан олиш жоиз, хорижий аниматорлар биздан анча илгариллаб кетган. Уларнинг контентлари қизиқарли, ранг-баранг, ҳар қандай болани ўзига жалб эта олади. Масалан, «Cocomelon», «Pepa Pepa», «Tegetok Baby» саҳифаларнинг миллионлаб обуначиси бор. Кўришлар сони ҳам жуда юқори. Битта контент 10 миллиондан кўрилади. Ёки россиялик болалар тайёрладиган биргина «Влад и Никита» блогининг 8,9 миллион обуначиси бор. «Like Nastya Vlog»нинг видеолари 500 миллионлаб кўрилади.

Хўш, нима учун масъуларимиз шунақа контент ишлашолмайди? Бунга нима тўсқинлик қилади? Ёки муаммо фақат маблағдами?

Буни қарангки, ушбу соҳага ҳар йили давлат бюджетидан миллиардлаб маблағ йўналтирилади. Мисол учун, бу йил Маданият вазирлигига 1 триллион 172 миллиард сўм, МТРКга 881,4, Ёшлар ишлари агентлигига эса, 456 миллиард сўм маблағ ажратилган. Ушбу ташкилотлар айна йўналишдаги вазифаларнинг ижрочилари ҳисобланишади, деб уйлайман.

Агар мазкур маблағларни бошқа давлатлар билан солиштирсак, анча кўплигини кўрамыз. Биргина кўшни Қозғистонни олсак, 2024 йилда шу йўналишдаги ишлар учун 800 миллион танга (1,5 мил-

лион доллар) сарфланган. Бизда эса, 105 миллиард сўм (8 миллион доллардан ортик).

Шундай экан, нима учун, бизнинг контентларимиз «Маша и Медведь», «Диана и Рома», «Лунтик», «Буба» каби оммалашмапти?

Дарвоқе, бундан уч йил олдин «Tashkent International Animation Forum» бўлиб ўтди. Унда Ўзбек мультфильм уюш-

маси ташкил этилиши ҳақида айтилганди. Аммо, мана, ордан шунча вақт ўтса-да, уюшмадан ҳеч қандай дарак йўқ.

Болаларни миллий руҳда тарбиялаш ҳақида кўп гапираримиз. Лекин амалда мақтанадиган бирон-бир анимациямиз йўқ. Ваҳоланки, бунинг учун шарт-шароит ва имкониятлар етарли. Балки бу жабҳага ёшларни жалб қилиш керакдир. Ҳар ҳолда, улар катталарга нисбатан анча креатив фикрлайдилар. Нима учун болаларимиз бошқа тилдаги контентларни кўриб улғайиши керак? Нега уларнинг тили «Ота», «Она» деб эмас, «Папа», «Мама», «Рару», «Мату» деб чиқиши керак? Бу саволларга бирон-бир масъул жавоб бера оладими?

Гулрухбегим
ОДАШБОВА
«ISHONCH»



YouTube
платформасида болалар
учун мўлжалланган ва энг кўп
кўрилган контент



**Шундай контентларни янада
кўпайтириш керакми?
Сиз қандай фикрдасиз?**

ДЕҲҚОННИНГ КОСАСИНИ ОҚАРТИРГАН

ТАРВУЗ



Шу кунларда Кўкдалада тарвуз пишган. Миришкор деҳқонларнинг оғзи ошга етган. Маҳаллий аҳоли тарвузчиликда ўзига хос катта тажриба орттирган ва мактаб яратган, десак, муболага бўлмайди. Охирги пайтларда уларнинг ҳосилини хориждаги экспортчи корхоналар ҳам қутадиغان бўлган. Бундай харидорлар орасида маҳсулотга олдиндан аванс тариқасида пул бериб қўядиганлар ҳам бор.

Тарвузчилик илмининг ҳадисини олган ва шу кунларда қўли-қўлига теғмай, ҳосил экспорти билан шўғулланаётган миришкор деҳқон ва расмий вакил Улуғбек Жуманазаров билан суҳбатимиз қизгин кечди.

— Машаққатли меҳнатимиз роҳатини кўрадиган пишиқчилик даврига етиб олдик, — дейди Тарвуз-қовун етиштирувчилар Қашқадарё вилояти ассоциацияси раиси Улуғбек Жуманазаров. — Январь ойида ҳам ҳадик, ҳам умид билан ерга уруғ қадагандик. Бахтимизга об-ҳаво кутганимиздек мўътадил бўлди. Асида иссиқхонада тарвуз етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Айниқса, биз экватан «Долби» нави жайдари тарвузларимизга нисбатан анча «инжиқ», кўп меҳнат талаб қилади. Лекин энг муҳими, ширин ва уруғсиз. Нархи ҳам шунга яраша.

2018 йили давлатимиз раҳбарининг Қашқадарёга ташрифи чоғида деҳқонларга шу нави экиш борасида тавсия берганди. Шундан сўнг аҳоли асосан «Долби» экишни бошлади. Таърифлашганича бор экан.


— Ушунда Президентимиз мени ҳам суҳбатга чорладилар. Меҳнатларимни эътироф этдилар. Шунда бошим кукка етди, — дейди суҳбатдошимиз.

Кўкдалада Улуғбек отадан бошқа тарвузчилар ҳам кўп ва ҳаммаси соҳанинг сир-асрорларини пухта билади. Қаҳрамонимиз эса, улар орасида энг кўп экспорт қиладиган деҳқонлардан саналади.

— Кўп йиллар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун экспортга рухсат берилмади, — дея

гапида давом этади у. — Юртбошимиз топшириги билан божхона тизимида «Яшил йўлак» ташкил этилгач, биз каби миришкорларнинг кўрагига шамол теғди. Бир вақтлар маҳсулотга харидор тополмасдик. Оқибатда улар далада қолиб кетарди. Шукр, бузун деҳқоннинг косаси оқаряпти. Масалан, соҳада ҳали тажрибаси кам ёш йиғитлар ҳам 1-2 гектар майдонга эртапишар тарвуз экиб, бир мавсумлик даромади эвазига янги машина оляпти. Утган йили ўзим 10 гектар майдонга Голландиянинг ананас билан чатиштирилган ичи сариқ ҳамда уруғсиз навидан экиб, яхшигина фойда кўрдим.

Бу йил 15 гектарга ўша навидан уруғ қададим. Боси, у юқори ҳосилдорлиги ҳамда экспорт бўли билан бошқаларидан ажралиб туради. Яна бир хусусияти анча эрта пишади.



Бу сафар ҳам даромад яхши бўлишига ишонамиз.

Улуғбек Жуманазаров янги нав кўчатни авваллари Голландия фирмасидан сотиб оларди. Айни вақтда эса, улардан уруғ олиб, кўчатларни ўзи етиштириб, 95 фоизлик маррани забт этди. Унинг маҳсулотлари 17 май куни пишиб-етилди. Бир гектар пайкалдан 40 тоннагача тарвуз йиғиштириб олинапти.

Кўкдалаликлар 1990-1998 йилларда чорвачилик билан шўғулланишган ва даромадлари бугунгидек бўлмаган. У.Жуманазаров тарвуз экишни ўша кезлар бошлаган ва катта фойда кўрган. Атрофидагилар ҳам ундан рухланиб, шу ишга қўл уришган. Эндиликда туманда нафақат серхосил навлар бўйича, балки уни сўғориш, етиштириш борасида ҳам янгилаш усуллар жорий қилинмоқда.

— Ҳозир илгаридек ариқлар тўлиб оқидан сувлар йўқ. Шу боис даланнинг бошига артизан кудуқ ўрнатдим ва томчилатиб сўғориш тизимига ўтдим. Харажатим анча камайди. Бошида кўпчилик бундан ҳайрон бўлди. «Тарвузни томчилатиб сўғорса бўларканми?» деб сўраганлар ҳам топилди. Тавakkал билан қўл урган ишим кутганимдан ҳам аъло натижа берди, — дейди фахр билан Улуғбек Жуманазаров.

Таҳлилларга кўра, утган йили вилоят бўйича 8 миллион долларлик тарвуз экспорт қилинган. Шундан 6 миллиони кўкдалалик деҳқонлар ҳиссасига тўғри келган. Айни пайтда Кўкдалада 40 минг гектар майдонда тарвуз етиштирилмоқда.

Дарвоқе, чўп суқсак, кўкарадиган заминимиз бор. Бундан унумли фойдаланган аҳолининг дастурхони ҳамиша тўкин-сочин бўлади. Ҳалол меҳнат ортидан даромад топиб, уй-жой қуриш, тўй-томоша қилиш, ёшларни нуфузли таълим масканларида ўқитиш мумкин.

Феруза РАҲИМОВА
«ISHONCH»

Маълумот ўрнида: Кўпчилик эртапишар тарвуздан ҳадиксирашади. Унда нитрат моддаси кўп деб ўйлашади. Аммо мулаҳазасислар фикрига кўра, бу янглиш тушунча. Чунки тарвузни қандайдир сунъий йўллар билан ёки маҳсул дори билан етиштиришнинг имкони йўқ. У жами 4,5 минг даража иссиқликни олгач, пишиб-етилади.



Конституция ўзгариши мумкин

Арманистон Озарбайжон билан тинчликка эришиш мақсадида ўз Конституциясига ўзгаришлар киритиши мумкин. Бу ҳақда Арманистон Бош вазири Никол Пашинян Yerevan Dialogue халқаро форуми чоғида маълум қилди.

Агар Конституциявий суд ушбу келишув Арманистон қонунчилигига мос келмайди деган қарорга келса, мен Конституцияга ўзгариш киритиш ташаббуси билан чиқаман, - дея баёнот берди у.

Пашиняннинг таъкидлашича, тинчлик шартномасига эришиш имкониятини асло қўлдан бой бермаслик керак. Янги Конституцияни қабул қилиш борасидаги овоз бериш 2027 йилда бўлиб ўтиши мумкин. Конституцияга ўзгариш киритиш ҳукуматнинг сиёсий кун тартибидagi масалалардан бири сифатида кўрилмақда.

Исроил Ғазо секторидagi назоратни кенгайтиради

Исроил Мудофаа Кучлари (ЦАХАЛ) яқин икки ой ичида Ғазо сектори ҳудудининг 75 фоизи устидан тўлиқ назорат ўрнатишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда The Times of Israel газетаси ЦАХАЛ хўжжатларига таяниб хабар берди.

Нашрга кўра, айна пайтда Исроил Ғазо ҳудудининг тахминан 40 фоизини тўлиқ назорат қилмоқда. Келгуси режалар ердаги янги амалиётлар билан боғлиқ бўлиб, ҲАМАС ҳаракатининг барча инфратузилмасини йўқ қилиш, аксарият биноларни бузиш ва ҳудудни назорат остида сақлашни кўзда тутаяди.

Тинч аҳоли учун Исроил ва АҚШ кўмағида тузилган Ғазога инсонпарвар ёрдам жамғармаси (GHF) учун урта «хавфсизлик зонаси» - Ғазо шаҳри маркази, Дайр ал-Балах шаҳри ва Нусейрат қочқинлар лагери белги-ланмоқда.

Исроил армиясининг маълумотларига кўра, Ғазо ҳудудида ҲАМАС томонидан қурилган тахминан 900 км. узунликдаги ерости тоннеллари мавжуд. Ҳозиргача уларнинг 25 фоизи йўқ қилинган.

Эрон ва АҚШ навбатдаги музокаралар остонасида

Эрон ядровий дастури атрофидаги вазиятни бартараф этиш бўйича Техрон ва Вашингтон ўртасидаги навбатдаги музокара босқичи саноиси ва жойи ҳали келишилмаган. Бу ҳақда Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Аббос Ароқчи маълум қилди.

Ҳозирча навбатдаги музокара босқичига оид маълумотлар йўқ, - дея Ароқчининг сўзларини келтиради Эрон Ташқи Ишлар Вазири.

Ароқчининг таъкидлашича, Эрон музокараларни «сабр ва сокинлик билан» олиб бормоқда. Шунингдек, у яна бир бор Техроннинг тинч мақсадлардан узаро бойитиш бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиш нияти йўқлигини билдирган.

2024 йил 23 май куни Римда Эрон ва АҚШ вакиллари ядровий дастури бўйича бешинчи музокара босқичини ўтказган эдилар. Ушбу жараёнда вositачи сифатида қатнашган Уммон ташқи ишлар вазири «аниқ, ammo якуний эмас» деб баҳоланган муайян тараққиётга эришилганини маълум қилди.

Маълумотларга кўра, Техрон ва Вашингтон яқин келажақда яна бир ёки икки учрашув орқали ижобий натижаларга эришишга умид қилмоқда.

Президентликка номзод алоқаларни тикламоқчи

Жанубий Кореяда президентлик сайловларининг етакчи номзоди Ли Чжэ Мён Корея яриморлидаги кескинликни камайитириш мақсадида Сеул ва Пхеньян ўртасидаги ҳарбий алоқаларни тиклаш таклифи билан чиқди.

Иқтисодни жонлантириш ва фуқаролар ҳаётидаги барқарорликни таъминлаш учун яриморлидаги хавфларни бартараф этиш керак. Биз Шимол ва Жануб ўртасидаги мулоқотни, жумладан, ҳарбий алоқаларни тиклашга интиламиз. Кўрқув ва кескинликни кучайтирувчи ҳаракатлардан ўзаро воз кечишга эришамиз, - деди сиёсатчи.

Келишувни тўлиқ бекор қилганини эълон қилди. 2024 йил ёзида Жанубий Корея ҳам келишувнинг қолган бандларини бажармай қўйган.

Биз Шимол ва Жануб ўртасида мулоқот, алмашинув ва ҳамкорликни тиклашга ҳаракат қиламиз. Бу - халқ хоҳиши-иродасидир, - деди Ли Чжэ Мён.

Аmmo КХДР раҳбари Ким Чен Ин Жанубий Кореяга «асосий душман» мақомини конституциявий равишда мустақамлаш таклифини билдирган ва «Халқ республикасини қўтиб юборишга» уринаётган Корея Республикаси билан бирлашиш имкониси» деб баёнот берган эди.

Оламгир ОТАЁРОВ тaйёрлади



Ҳойнаҳой, сиз ҳам яхши билсангиз керак, ижод аҳлига хос ажиб бир ҳолат бор. Уларнинг баъзилари адабиёт оламига ёниб-янаиб кириб келади ва умр бўйи улуксиз қалам тебратиб, маънавият хазинасини кенга оммага манзур бўладиган, келгуси авлодларга бебаҳо мерос бўлиб қоладиган асарлар билан бойтадилар. Ҳаминқадар қобилиятга эга бўлганларининг эса ёзувчи-шоирлиги ҳам, савияси паст асарлари ҳам тез орада унутлиб кетади.

Яна бир тоифа истеъдод соҳиблари борки, улар дебачасига самарали ижод қилиб, шухрат қозонадилару вақти-соати келиб муайян сабаблар туфайли ёшидан таққа тўхтайдилар. Кейин ҳарчанд уринмасинлар, барибир, аввалгидек ютуқ-натижаларга эришолмайдилар. Бу ҳар қандай ижодкор учун афсус-надоматларга, армон ва изтиробиларга тўла катта ўқоқтиш саналади. Борди-ю, у маълум муддатдан сўнг ўзини унглаб олиб, янги асарлар яратма бошласа, ўзини энг бахтли инсон деб биледи.

Менимча, ҳозир ҳамюртларимизга яхши таниш журналист, серқирра ва сермақсул адиб, моҳир таржимон Шухрат Маткарим ҳам ана шундай оғир ва синовли дамлари бошидан кечирган кишилардан бири. Албатта, бундай деҳишимиз бежиз эмас.

БўЛАДИГАН МЕВА ГУЛИДАН МАЪЛУМ

Шухрат Маткарим 1960 йили Туркменистоннинг Тошхув туманида туғилди. Урта мактабни битиргандан сўнг Хоразм Давлат педагогика институтини (ҳозирги Урганч Давлат университети)нинг филология факультетига инглиз тили ўқитувчиси ихтисослиги бўйича ўқишга кирди. Талабалик кезлари адабиёт оламини муқаддас маъвога менгазайдиган, инсон руҳиятининг ўта нозик жиҳатларини теран илғайдиган таниқли шоир Матназар Абдулқошимга шогирд тушиб, Хоразм адабий мухитига ошно тутинди. Университетни тугатгач, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими ходими, вилоят телерадиокомпанияси муҳбири, Ўзбекистон МТРК «Ахборот» дастурининг ҳудуддаги махсус муҳбири, «Урганчтрансгаз» корхонаси мутахассиси, вилоят оқимлигининг Ахборот хизмати раҳбари лавозимларида ишлади. Охириги вақтларда эса Махмуд Замаҳшарий номдаги вилоят Ахборот-кутубхона марказининг етакчи мутахассиси сифатида фаолият қилмоқда.

Табиики, ортда қолган давр мобайнида Шухрат Маткарим хизмат вазифаларини сидқидилдан адо этди. Шу асно бадий ижод билан шуғулланишни ҳам қанда қилмади. Навқиронлида турли жанрларда битилган унлаб асарлари орқали элга танилди. Бойси, уларда не-не инсонлар ва миллат пешволарининг бахтига ҳамда умрига зомин бўлган совиқ шўролар замонида шаклланган мухитнинг юзага қалқиб чиққан аянчи оқибатларини руй-рост очиб бера олди. Масалан, «Скрипка кўтарган қиз» ҳикоясида моддий-маънавий жиҳатдан қийналиб яшаётган ўқитувчиларнинг аксарияти ўзлари гирифтор бўлган бало-қазорлар гирдобидан чиқишга иродаларни етмай ва келажакка ишонмай, нафс бандларига айлиниб қолишгани баён этилади. «Йиллонда» эса айрим қимсаларнинг илм-маърифатга умуман қизиқмасликлари, боз устига, жонини жабборга бериб, илзанишлар олиб бораётган зиёлиларни заррача менсимасликлари, уларни камситиб, нафсониятига тегишлари афсус-ла тилга олинади. Иккала асар гоёяси замирида ҳам ўз хато-камчиликлари ва муаммоларини атрофида таҳлил қилиб, бартараф этишга кўриб етмаган жамиятининг фожиалари ётади.

Шухрат Маткарим бу янглиғ асарлари билан ўз ҳаётий фалсафасига, ўз сўзи ва теран фикрлаш қобилиятига, бадий тафаккури ва ижодий услубига, поэтик тутумлари ва тайморийларига эга қаламхас эканлигини намоян этди. Бирок...

САЛКАМ ЙЎГИРМА ЙИЛЛИК «ТАНАФУС»

Янги аср арафасида у нотоҳон бадий ижоддан йироқлашди. Гоҳ турмуш ташвишлари, гоҳ иш билан боғлиқ бу «танафус» қарийб 20 йилга чўзилди. Кейин эса бами-соли кул остида қолган чўғ қайта алангалангандай, унинг янги-янги асарлари пайдо бўла бошлади. Дебючасига 2017 йилги Матназар Абдулқошим хотирасига бағишланган «Ўстоз ҳақида сўз» номли эссеси нашрдан чиқди. Басма-басига «Кун шундай бошланади», «Йиллон», «Салав», «Кўм эта-гда оқ уй», «Мақар» каби қиссалари ва кўплаб ҳикоялари турли газета-журналлар ҳамда ижтимоий тармоқларда ёри-тилди.

Мухими, улар мавзусининг долзарблиги ва бадий жиҳатдан пишқи-пукта ёзилгани сабабли китобхонлар на-зарига тушди, саралари адабиётшунос олимлар ва мута-хассислар томонидан эътироф этилди. Инчунин, Шухрат Маткарим 2019 йили «Қизалоқ» ҳикояси учун «Хоразм зарқалами», аввалги ёзда «Мақар» қиссаси учун Ўзбеки-стон Ёзувчилар уюшмаси Мустақиллигимизнинг 33 йилли-гига бағишлаб ўтказган «Ватан учун яшайлик!» республика



танлови голибларидан деб топилди. Натижада бу асарлар тез орада оммалашиб кетди. Масалан, 2003 йили «Ешлик» журналида чоп этилган «Мақар» бўлтур пойтахтимиздаги «TUBO NASHR» нашриёти томонидан китоб сифатида бо-силди. Шундан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, Хо-разм вилояти Ахборот-кутубхона марказида, Оғаҳий ижод мактабида, туман ва шаҳар маданият муассасаларида ушбу асар тақдимотлари ўтказилди.

МАҚАР АСИДА КИМ ЭДИ?

Ёши саксондан ошган бу отахоннинг асл исми Ҳўсин-бой. Қандай қилиб, «Мақар»га айланганининг эса қизиқ та-рихи бор. У алпазмонлар жамоа хўжалигида шофёрлик қилганида раис топириғига кўра, туманда жойлашган ҳар-бий қисмга байрам совғалари олиб боради. Бундан хур-санд бўлган қисм командири унинг қўлини маҳкам қисиб, «Спасибо за все Макар Митрофанович!» дейди. Бу гапни у, эҳтимол, ўзини таништириш мақсадида ёки ҳайдовчи-нинг исм-шарифини орқаваротдан шундай деб эшитгани сабабли айтганлар, лекин ўшандан кейин ҳаммишқоқлари Ҳўсинбойни «Макар Митрофанович» деб қазира бошла-шади. Бора-бора фақат исми олиб қолиб ва ўз тилларига мослаштириб «Мақар» дейдиган бўлишади.

Қандайлигиндан қатъи назар, Ҳўсинбой ога умри даво-мида сон-саноксиз китоблар ўқиган, кўплаб эртак ва дoston-ларни ёд олган. Яна нод, ҳамсалар ва таниш-билишлар-нинг етти пуштигача аниқ-таниқ айтиб бера олади. Таби-атан камтарин, оғир-вазмин, мулойим ва ақли киши. Беш ўғил, беш қизни биргалликда вояга етказган кампири билан тинч-тотув ҳаёт кечиради.

У ҳозир бироз мунқиллаб қолган бўлса-да, ҳамон ти-нич-тинчмайди, ҳар куни анча наридаги қумликлар бағрида мавжуд кўлга бориб, балиқ овлайди. Ўлжаларини согмайди, аксинча, ўзини орязмиб кутадиган қишлоқ болаларига те-кинга тарқатади ва бундан хурсанд бўлади. Лекин охириги пайтларда эл-улусга деярли қўшилмайдиган одамовига ай-ланган. Чунки қалбида асорати осонликча битмас оғир бир дард бор. Анқирғор, ҳаммаси алоҳида-алоҳида уйли-жойли ва ували-жували бўлиб, аёли иккисининг ҳол-аҳолига қи-зқимай қўйган фарзандларининг лоқайдлигиндан, кампири билан тез-тез «сан-манга» борадиган келинларининг бетга-чопарлигиндан дили ранжийди. Уларда ёши улугларга нисба-тан хурмат-эътибор ва меҳр-оқибат йўқлигиндан қаттиқ из-тироби чекади. Бунинг асосий сабабларини, аввало, ўзи уй-рўзгор ташвишлари билан андармон бўлиб, ўғил-қизларига иссинига яхши тарбия бера олмаганида, ҳозир одамларнинг вақтини ўргиллаётган, уларни юзма-юз дидорлашти-ришда узоқлаштираётган, айниқса, ёш авлод онгини обдон захарлаётган Интернетда руҳу қўйишда, мобил алоқа воси-таларига қарамликда деб биледи.

Аmmo отахон дилидаги қайғу-аламларини бошқаларга дoston қилмайди, оила сирларини ҳеч кимга айтмайди. Бор дardини фақат ҳар куни ўзи билан бирга овга бориб келадиган вафодор ити - «Хоразм йўлбарси» йўл-йўлакай тўкиб солади. Болаларининг ноғўя қилиқлари ҳақида ўйлар экан, «Мен нега уларнинг яхши инсонлар қилиб тарбиялай олма-дим?» деган саволга жавоб ахтарди. Шунингдек, Орол денгизи қуришининг халқ тақдирига, табиат ва иқлимга сал-бий таъсирларини ўйлаб, қаттиқ ташвишланади.

Тўғри, одамзод тилини тушунамайдиган ва гапиролмай-диган ит ҳам қариб, дам-бадам касалликка чалинадиган бў-либ қолган. Бирок зийраклигини йўқотмаган. Чoлнинг ҳар қа-дамини синчқов кузатиб, ҳасратларини эринмай тинглайди. Гоҳида гўёки унинг галини маъқуллагандай думини лиқил-латади ёки кўзларини юмиб-очади, гоҳида сукот сақлаганча отахонга мулғиб боқиб, ҳамдардлик билдиргандай бўлади. Энг муҳими, ҳеч қачон хўжайинига хиёнат қилмайди, ундан кўрган яхшиликларини унутмайди. Отахоннинг дилбанд-ларидан фарқли ўларок, мудом унинг йўриғига юради, энг оғир ва қалтис вазиятларда корига ҳарқона.

Сирасини айтганда, зуваласи халқона донолик ва са-миимийлик гоғларни ила йўғирган, згулқини унутмасликка, инсонни қадрлашга, айниқса, ота-оналар ва кесаларга га-мўр-маддорқ бўлишга ундовчи бу қиссани ўқисангиз, гоғ таъсирланасиз. Шунингдек, Хоразм аҳлини жиддий ўй-лантираётган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий муаммолардан ҳамда экологик таназзуллардан воқиф бўласиз. Пировардида бу ўқинчи дунёда ҳамма нарса, ҳар қандай бойлик сингари одамзод ҳам омонатлиги, демакки,

фурсат ганиматиди уни қадрлаш даркорлиги, сўнги пушай-мон эса бефойдалиги ҳақида чуқур ўйга толасиз...

ИЙМОН-ЭЪТИҚОДИ БУТУН ИНСОНЛАР

«Мақар» ўқувчилар қўлига етиб борганига уч ой булар-бўл-мас, Тoшкентдаги «Адабиёт» нашриёти томонидан Шухрат Маткаримнинг «Болжон» номли янги тўплами чоп этилди. Унда жамланган қисса ва ўнта ҳикоя қаҳрамонлари ҳам асосан замондошларимиз бўлиб, муаллиф барчасининг кўндалик турмуш тарзи, қувонч ва ташвишларини бўяб-бежа-май, борича тасвирлаган. Уларнинг ўзига хос характерлари ва дунёқарашларини, Хоразм табиатини ёрқин ифодалаган. Шун-нинг бaрoбаридa оила ва фарзандлар тарбиясига дахлдор мо-жароларни ҳам тилга олиб, одамларни ўзаро аҳил-иноқ ва хў-шёр бўлишга, ноёбакор қимсалар алдовига ишониб, чўв тушиб қолмасликка қорлаган. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш-нинг оқибат-натижалари ҳақида фикр юртқарган, инсонлар-варлик, халоллик ва вафо-садоқат каби қадриятларни яна бир бор улуғлаган. Урушнинг дахшатли азоб-ўқубатларини, пахта сиваси қурбонлари қисматини, ижтимоий-маънавий масала-ларни кенг ёритган.

Зеро, китобдаги асарлар қаҳрамонларидан айрим-лари жамиятда урчинган ёлғончилик ва кўзбўямачиликлари кўрмасдан айтгани учун таъна-маломатларга учрайди-лар. Баъзан кўндалик турмуш ташвишлари ёхуд яқин дўст-лари хиёнатидан асабийлашадилар. Аҳолини қийнаётган муаммоларни бартараф этиш танаҳо ўзларининг қўлидан келмаслигиндан афсусланадилар. Шунга қарамай, шах-сий эътиқоди ва гоғларидан зинҳор-базинҳор воз кечмай-дилар. «Болжон», «Гапиршига қўрқадиган одам», «Ориқ», «Ака-сингли», «Қизалоқ», «Анахита», «Гулсум», «Охириги кун», «Ўткинчи», «Арзон меҳмонхона» ҳикояларини ўқисан-гиз, бунга ўзингиз ҳам ишонч қилисиз.

Бўлтур кўзда Тoшкентдаги Ўзбекистон Миллий кутубхо-насида бўлган тақдимотда «Болжон» тўплами адиб ижоди-нинг янги босқичи сифатида эътироф этилди.

ШЕВАЛАР - ТИЛ ЗИНАТИ

Дўстлари ва яқинларининг айтишларича, Шухрат Мат-карим хўшомадгўйликни билмайди, ҳаётда учрайдиган хато-камчиликларни баралла гапиршидан чўчимади. Адиб-нинг бу одати асарларига ҳам қўнган. Шу боис барчаси сохталайдиган, сунъийлик ва баландпарвозликдан холи. Қо-лаверса, у сўнги йилларда яратган ҳикоя ва қиссаларнинг бадий тили табиий ва жоизбадор бўлиб, деярли барчасида воҳага хос бой урф-одатлар ва соғ маҳаллий инсmlар боғ-бот қаламга олинган. Айниқса, китобхонга қаҳрамонларни янада яхшироқ тушунишга қўмақлашадиган хоразмча ше-ва-қалимадан, нақл-ҳикमतлар ва фразеологик бирликлар кўп ишлатилган. Масалан, биргина «Мақар» қиссасида ше-вага оид сўзлардан қарийб 200 таси келтирилиб, эрт та-ғдида изоҳлари ҳам берилган. Улар орасида замон вақт-ларини сайин унутлиб бораётганлари, бунгунги ёшлар бил-майдиганлари ҳам бор.

Шунга кўра, аксарият тилшунос ва адабиётшунослар Шухрат Маткарим тапнаган усулни ижобий баҳолаб, талаф-фузи майин, оҳани жоизбадор Хоразм шевасидаги бой ва ноёб сўзларни қўллаши асарларига узгача руҳ бағишла-ганини таъкидлашади. «У шoir-ёзувчи тўла-тўқис ўзбек ада-бий тилида ижод қилиши шарт деган тартиб-қондан ижоб-ий маънода ва муайян даражада бузиб, насрода ўзига хос янгликка қўл урди», дейишади. Айни чоғда, ҳар қандай шева ўзбек адабий тилининг бебаҳо бойдиги эканлигини, уларни ўринли ва меъёрида истифода қилиш муҳимлигини эслатишади. Бу - биринчидан.

Иккинчидан, адиб асарларида хоразмча шевалар на-фақат қаҳрамонлар нутқида, балки муаллифга тегишли матнларда ҳам кўп учрайди. Бу эса, «Ҳар бир қаламхас ўз шевасида ижод қилаверса, миллий адабиётимизнинг аҳоли не кечади?» деган хавотирни келтириб чиқарши табиий. Айрим филолог олимлар шуни назарда тутиб, бадий асарда унинг талабларига жавоб бера оладиган шевага хос сўзларни қўллаш бўйича қатъий меъёрлар ишлаб чиқишнинг ҳамда улардан асосан қаҳрамонлар гап-сўзларида фойдаланишнинг, муаллиф нутқи эса соғ адабий тилда битилишини мақсадга мувофиқ, таъкиб-лашади. Ақс ҳолда, китобхон маълум ҳудудга талапуқли шевалар кўп учрайдиган бадий асарни ўқишга ва ундаги нотаниш сўзларни тушунишга қийналиши мумкинлигини уқтиришади.

Албатта, бу борада ким ҳақ, ким ноҳақлигини энг олий ҳажам - ВАҚТ кўрсатади. Биз эса қалами ўткир дустимиз-нинг келгуси ишларига омад, ўзига сиҳат-саломатлик тилай-миз ва ундан янги бадий асарлар кўтиб қоламиз.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Аҳмаджон Дадаев ижросида «Она» кўшиғи Машраб Ғазали

Жамолнинг кўргали келдим, аё эй меҳрибон онам, Менинг учун адо бўлган юрагу бағри қон онам. Хўтан даштига тушум бул фалақининг гардиши бирлан, Эшиткил арзи ҳолимни, мен айтай сенга, жон онам.

MUASSIS: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi. 2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati: Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»), Valentina MARSEYANOV (Mas'ul kotib - «Ishonch-Doverie»). Bosh muharrir Husan ERMATOV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69, Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43, Marketing va obuna - (71) 256-87-73. Hududlardagi muxbirlar: Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20, Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23, Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31, Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12, Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34, Namangan viloyati - (+998-93) 213-09-66, Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26, Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-50, Surxondaryo viloyati - (+998-90) 379-19-75, Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44, Farg'on viloyati - (+998-99) 889-90-24, Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01, Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir: Aljon ABDURAHMONOV. Musahhir: Dilorot XUDOYBERGANOVA. Sahifalovchi: Hasan ABDUJALILOV. Bahosi kelishilgan narxda: Bo'shlig'ga topshirish vaqti - 21:00, Topshirildi - 22:50. Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch.1991@yandex.uz. Nashr ko'rsatkichi: 133. Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmilaylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 62 449 ta. Shundan: 6 258 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 18 276 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 7 915 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-511. 1 3 4 5 6